



БЎЛАЖАК ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Юлдуз Хайрулла қизи Худойбердиева

Чирчиқ давлат педагогика университети

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак физика ўқитувчиларининг мантиқий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ҳақида сўз боради. Мақолада турли илмий асослардан мулоҳазалар келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим-тарбия жараёни, компетентлик, компетенция, компетентли ёндашув.

Кириш. Дидактиканинг асосий вазифаларидан бири, нимани кимга ва қай тарза ўқитиш масаласига ечим излаш, замон талабига мос таълим жараёнининг ташкиллаштиришдир. Ўргатилаётган билим ва шакллантирилаётган кўникмалар бу талабанинг онгу-шуурида мантиқий тафаккурини ривожлантириш, фикрлаш қобилиятини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, унда келгусида ватан равнақи учун керакли кадр бўлиб етишишишига замин яратишдир. Шу жумладан, таълим-тарбия жараёнини нафақат таълим олувчиларга фанлар бўйича билим бериш, балки эгаллаган билим ва малакаларини амалга татбиқ этиш, улардан янгиликлар яратиш, жараёнларни таҳлил эта олишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш ҳам асосий вазифалардан биридир. Ҳозирги замонда таълим тизими тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилаётган компетенция тушунчаси ва унинг мазмуни, чегаралари, унинг таркибий қисмларининг тузилиши каби муаммоларга дуч келиб турибди. Психологик-педагогик адабиётларда ҳамда республикамиз ва хорижлик кўпгина педагог олимларнинг илмий ишларида “компетенция” ва “компетентлик” деган тушунчалар кейинги вақтларда кенг қўлланилмоқда. Таълим тизимига компетентли ёндашув хорижий адабиётларда ўтган асрнинг 60-йилларида шакллана бошланиб, “Компетенция” масаласи кўп йиллардан буён олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Улар Н.А. Муслимов, Ш.Ш.Шарипов, Х.Ф.Рашидов, С.Ю.Махмудов, Б.С.Абдуллаева, О.А.Қўйсинаев, Ғ.А.Нафасов, М.Х.Саидов, Р.Уайт, Дж.Равен, Н.В.Кузбмина, А.К.Маркова, В.И.Байденко, А.В.Хуторский, С.Л. Ожегов, Э.Ф.Зейер, И.А.Зимняя, В.И.Байденко, А.А.Вербиский ва бошқалар.

Тадқиқот методологияси. «Компетенция» тушунчаси илк бор XX асрнинг 50-60-йилларида илмий адабиётларда тилга олинган. Америкалик олим Чомский «Синтактик структуралар», «Синтаксис назариясининг аспекти» номли асарларида компетенцияни инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқати сифатида талқин этган. Компетентли ёндашув масалаларининг тарихий



илдизлари Шарқ мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абдулла Авлоний асарларида акс этган. Тарихий меросларимизда компетенсиявий билим олишга йўналтирилганлик ғояларининг жамият тараққиётидаги аҳамияти ва муҳимлиги масалалари ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар баён этилган.

“Компетенсия” ва “компетентлик” тушунча ва атамаларини яхши идрок этиш ниятида бир қатор луғатларга эътиборимизни қаратамиз: Компетентлик тушунчасининг луғавий маъноси турли тилларда қуйидагича боҳланади: - Компетент (француз тилида) - ваколатли; - Компетент (лотин тилида) - қобилиятли; - Компетент (инглиз тилида) - қобилиятли. “О ўзбекистон миллий энциклопедияси”да эса қуйидагича талқин этилган: компетенсия - у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба. С.И. Ожегов бу тушунчаларни рус тили боҳли луғатида қуйидагича изоҳлайди. “Компетенсия - 1. Бирор киши жуда яхши билган ёки хабардор бўлган масалалар доираси. 2. Бирор кишининг вазифалари, ҳуқуқлари доираси” “Компетентлик - бирор соҳа бўйича ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ва шунинг учун ҳам фикри салмоқли, ишончли ҳисобланган кишинингсифати”. Н.А.Муслимов компетентликни қуйидагича таърифлаган: “компетентлик бу- талабаларнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятининг амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллаш олиши билан ифодаланади”. А.Х.Маҳмудов эса, компетентликка қуйидагича таъриф берган: “компетентлик бу доимо ўзгариб бораётган шароитларда ёки мутахасиснинг касбий фаолиятини самарали олиб боришга имкон берувчи шахсга хос интеграллашган сифатлардир”. “Олий таълим” луғат-маълумотнома тўпламида - “Компетентлик - тегишли, лаёқатли, ваколатлилик. Муайян ижтимоий касбий мавқега эга шахсларнинг улар бажараётган вазифа ва ҳал этаётган муаммолари мавжуд мураккаблик даражасига билимлари, лаёқатлари ва тажрибалари мос келганлик даражаси. “Малака” терминидан фарқли ўлароқ у малакани тавсифловчи соф касбий билим ва лаёқатни ўз ичига олишдан ташқари, яна сифат, ташаббус, ҳамкорлик, гуруҳда ишлай билиш қобилияти, коммуникатив ўқув, таълим олиш, баҳолаш ўқуви, мантиқий фикрлаш, ахборотни танлаш ва фойдаланиш лаёқатлари каби сифатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради деб ифодаланган. Компетентлик— тушунчаси шахснинг доимо ўсиб борувчи таснифи бўлиб, реал ҳаётини вазиятларда юзага келган муаммоларни ечиш қобилияти, ўз билими, ўқув ва ҳаётини тажрибалари, қадриятлари ва қизиқишларини унга сафарбар этиш имкониятлари ҳисобланади. Компетентлик - бу билимларни ташкил этишнинг ўзига хос типини бўлиб, шахснинг умумий интеллектуал ривожланишида, касбий масалаларни максимал даражада самара” ҳал қила билиш ва теварак атрофдаги борлиқ талабаларини объектив равишда баҳолай билиш имконини берувчи мавжуд ақлий тажриба таркибий қисмларининг, ахборотни қайта ишлаш



механизмининг, индивидуал равишда интеллектуал фаолиятни танлай билишнинг шаклланганлигида ўз ифодасини топади.

Умуман, “компетентлик” тушунчасини аниқлаш борасида олиб борилган барча илмий ишлар ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, компетентлик - шахснинг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажара олиш қобилиятидир. Унинг аниқ ишни бажариши учун олган билимлари йиғиндиси, маҳорати ва кўникмалари асосий восита бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, унинг когнетив ва доимо ўсиб боровчи кўникмалари, мақсадлари, руҳий кечинмалари ва бошқа фазилатлари ҳам “компетентлик” тушунчаси моҳиятига киради.

Шахснинг бир-бири билан узвий боғланган барча ҳислатлари компетентликни комплекс тушуниш имконини беради. Бу инсоний сифатлар ички ва ташқи шароитларда ва талаблар қўйилганда юзага чиқади. Компетентликни аниқлаш бўйича барча ёндашувлардаги умумийлик томони шундаки, компетентлик амалий фаолият жараёнида шаклланади ва намоён бўлади. Таълим жараёнини компетентлик ёндашувига йўналтириш таълимда методик шарт-шароитлар, янги педагогик технологияларнинг мазмуни ва қўлланишини қайтадан кўриб чиқиш ва ишлаб чиқишни талаб этади, чунки компетентликлар ҳеч бир фан бўйича на билимларга ва на кўникмаларга таалуқли эмас.

Анъанавий таълимда асосий эътибор таълим олувчининг маълум бир билим, кўникма ва малакалар тўпламини эгаллашига қаратилган бўлганлиги сабабли, бугунги кунда чуқур билимларга эга бўла туриб, уларни зарурат ёки имконият пайдо бўлганда, керакли вақтда ва керакли жойида ўз ўрнида қўллай олмайдиган одамларни учратиш мумкин.

Ҳозирги кун ўқитувчисининг ўқув фанлари бўйича фақатгина билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмаслиги барчага бирдек маълум. Энди эса, биз ушбу уч омилларга алоҳида тўхталиб ўтамиз. Билим - ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш; кўникма - ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш; малака - ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш; компетенция - мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

Агар бўлажак ўқитувчининг билим, кўникма ва малакаси билан биргаликда компетенциявий ёндашувчанлиги бўлмаса: - таълим муассасасини муваффақиятли битирган ёш мутахассис, ҳаётда кўп муваффақиятсизликларга учрайди; - олий таълим муассасасини битириб янги ишга борган ёш мутахассис университет ёки институтда касбига оид билим ва кўникмаларни етарли даражада олган бўлсада, иш жойига кўникиши узоқ вақт давом этади; - ноқулай вазиятларда маълум бўладиги, умумий ўрта таълим ва олий таълимда олинган билим ва кўникмалартезда ҳал қилиниши керак бўлган ҳаётий вазиятларга тўғри келмайди ёки умуман ҳаётида керак бўлмайди. Шунга кўра таълим



жараёнига талабалар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ларни яратиш ва таълим жараёнига қўллаш зарурияти юзага келди. И.А.Зимняя, таянч компетенцияларни гурухлаш асосларини ажратиш ва назарий жиҳатдан асослаб беришга, уларнинг асосий, зарур атамалари мажмуини аниқлашга ва уларнинг ҳар бирига киритиладиган компетенция турларини белгилашга ҳаракат килди.

Таянч компетенцияларнинг уч гурухини ажратиб олиш учун назарий асос сифатида психологияда шакллантирилган қоидалар хизмат қилади, бу қоидаларга инсон мулоқот, билим олиш ва меҳнат субъекти эканлиги; инсон жамиятга, бошқа одамларга, ўзига нисбатан муносабатлар тизимида намоён бўлиши; инсоннинг компетентлиги акмеологик ривожланиш векторига эга эканлиги; касбий маҳорат компетентликни ўз ичига олиши кабилар киради. Таянч компетенциялар - инсоннинг жамиятдаги ҳаётий фаолиятидаги долзарб ва истиқболли аҳамиятга эга бўлган турли соҳаларга тегишли бўлган масалалар, билимлар, амалий маълумотлар ва фаолият усулларида иборат жараён бўлиб, уларни ўзлаштириш бир томондан инсоннинг шахсий ва ижтимоий жиҳатдан муваффақиятли фаолиятини таъминласа, бошқа томондан, жамиятнинг маълум бир сифатдаги инсон ресурсларига бўлган талабларини қондиришга хизмат қилади. Компетенциялардан, таълим компетенцияларни фарқлаш лозим.

Таълим компетенцияси бўлажак ўқитувчини келажакдаги тўлақонли ҳаётидаги фаолиятини моделлаштиради. Маълумки, баъзи компетенциялар, бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра уларни учта даражага бўлиш мумкин: - таянч компетенциялар - таълим мазмунининг умумий(метапредмет) қисмига тегишли; - умумпредмет (касбий) компетенциялари - маълум доирага кирувчи ўқув предметлари ва таълим соҳаларига тегишли; - предметга оид (махсус) компетенциялар - олдинги иккитага нисбатан хусусий ҳисобланиб ўқув предмети доирасида шакллантирилади. Таянч компетенцияларнинг дунё бўйича ягона рўйхати йўқ. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ўз анъаналари, менталитети ва ўзига хос талаблари бор. Компетенция - бу жамиятнинг ўз фуқароларига қўйган ижтимоий буюртмаси бўлиб, уларнинг рўйхати маълум бир мамлакатдаги ижтимоий муҳит билан белгиланади ва бу рўйхат тадқиқотчи олимларимиз томонидан қуйдагича ишлаб чиқилди: Коммуникатив компетенция - ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди. Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси - медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини



шакллантиришни назарда тутати. Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси - доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқибуўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутати.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси - жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати. Миллий ва умуммаданий компетенция — ватанга садоқатли, инсонларга меҳроқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси - аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини энгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати. Ю.В.Фролов, бўлажак физика ўқитувчиси эгаллаши керак бўлган учта интеграциялашган компетенциялар гуруҳини тузади: - умумий (таянч) компетенциялар; - услубий (касбий педагогик) компетенциялар; - мавзуга йўналтирилган (махсус) компетенциялар касбий компетенцияни умумий, таянч ва махсус компетенцияларнинг бирикмаси сифатида тушунишга аниқлик киритдилар.

Муаллифларнинг фикрига кўра, умумий компетенциялар ҳар қандай касбий фаолият учун зарур бўлиб, бугунги кунда улар алоҳида аҳамиятга эга. Улар, биринчи навбатда, ахборот, мулоқот ҳамда фуқаролик жамиятида шахс хатти-ҳаракатларининг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларидан фойдаланиш асосида касбий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятида намоён бўлади.

Хулоса.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бўлажак физика ўқитувчиларида мантиқий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари жуда ҳам кенгдир. Таянч компетенциялар маълум бир касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Таянч компетенциялар касбий педагогик фаолият учун жамият ривожланишининг муайян босқичида таълим тизимида қўйиладиган талаблар контекст (боғланиш)да касбий фаолиятни шакллантириш учун зарур ҳисобланади. Махсус компетенциялар касбий фаолиятнинг маълум бир предмети ёки субъектидан ташқари соҳанинг ўзига



хос хусусиятларини акс эттиради. Махсус компетенцияларни ўқув предмети, касбий фаолиятнинг маълум бир йўналиши бўйича умумий ва таянч компетенцияларни амалга ошириш деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, компетенцияларнинг уч тури ҳам бир-бирига боғланган ва бир вақтнинг ўзида ривожланади. Бу педагогик фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантиради, мутахасиснинг яхлит қиёфасини яратади ва пировардида унинг мантиқий компетентлигини шакллантиришни таъминлайди.

REFERENCES:

1. Markova A.K. Psixologiya professionalizma. – M.: Znanie, 1996.
2. Muslimov N.A. Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini kasbiy shakllantirish / Monografiya. – T.: Fan, 2004.
3. Muslimov N.A., va boshqalar. Kasb ta'limi o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini shakllantirish texnologiyasi/ Monografiya. – T.: "Fan va texnologiya" nashriëti, 2013.
4. Akhrolovich, N. R. (2022). Influence of mineral fertilizers of different norms on the yield and product quality of white cabbage varieties. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 10, 500-507.
5. Nizomov, R.; Makhamadaminov, Sh. (2022). Development of a method for producing a quality seed product by leaving the onion in place in the Tashkent region of Uzbekistan. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 2108–2119.
6. Abdujabbarova, F. A. (2020). The methods of studying and analyzing classical poetic arts in literature lessons. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 1637-1641.
7. Abdujabbarova, F. A. (2020). Teaching Uzbek Language and Literature Based on Interactive Technologies. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 20(2), 2555-2558.
8. Abdujabbarova, F. A. (2020). Historical and cultural background of typological study Russian and Uzbek literature. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 2555-2558.
9. Abdujabbarova, F. A. (2020). Shavkat Rahmonning "Sulaymon tog'i etegida o'laganlarim" she'rini o'rganish usullari. *Filologok ta'limni takomillashtirish*, 1(1), 55-58.
10. Сейтняязов, К. М. (2023). Методы исследования в топонимике. Развитие науки и образования, 1(1), 101-106.
11. Сейтняязов, К. М. (2023). Некоторые виды трансформации топонимов. *Science and Education*, 4(2), 1700-1704.
12. Сейтняязов, К., Шерипова, Г. (2020). Топонимларнинг классификация турлари. Республикалық Илимий-теориялық онлайн конференция, 1(1), 70-72.



13. Seitniyazov, K. M., & Baltabayev, O. O. (2020). Methods for toponymical research of objects. *Fan va jamiyat*, 1(1), 28-29.
14. Madraximova, Z., & Toymbayeva, D. (2022). Ekologiya o'qitish nazariyasi va metodikasining shakllanish manbalari. *Science and Innovation*, 1(B8), 2409-2411.
15. Nigmatov, Askar, Madraxhimova, Zulfiya, Ishankulova, Komila (2020). Geotourism: Problems and Solutions on the Example of Uzbekistan. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 21(1), 14-21.
16. Миршарипова, Г. К., Мустафакулов, Д. М., Қаршибоева, Л. Қ., Мадраҳимова, З.Н. (2020). Сирдарё вилояти шароитида судан ўти ва мошни соф ҳолда ҳамда аралаш экилганда ўсиш ва ривожлантиришга экиш меъёрининг таъсири. *Ўзбекистон аграр фани хабарномаси*, 3(81), 97-101.
17. Умматова, М. Б., Мадрахимова, З. Н., Жавлонова, Д. Й. (2019). Талабарга экологик билимларни сингдириш-давр талабидир. Фаол инвестицион муҳитни шакллантириш, 1(1), 11-14.
18. Mirxalilova, N. A., & Davlatova, M. A. (2022). TIMSS XALQARO BAHOLASH DASTURIDA MIQDOR TUSHUNCHASI VA UNING TURLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(9), 282-285.
19. Mirxalilova, N. A. (2022). O'qish savodxonligini oshirishda PIRLS xalqaro tadqiqotining o'rni. *Maktabgacha va boshlang'ich ta'limning dolzarb masalalari: muammo, echimlar va rivojlanish istiqbollari xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari. Farg'ona*, 175-178.
20. Махмудова, Д. М., & Мирхалилова, Н. А. (2021). ТАЛАБАЛАРДА МАТЕМАТИК САВОДХОНЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ. *Scientific progress*, 2(4), 476-480.
21. Махмудова, Д. М., & Мирхалилова, Н. А. (2021). "MENTAL АРИФМЕТИКА" KURSLARINI TA'LIM KLASTERI ASOSIDA TATBIQ QILISH. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 3), 100-104.
22. Mirxalilova, N. A. (2021). PEDAGOGIK TA'LIM KLASTERI VOSITASIDA O'ZBEKISTONDA МАТЕМАТИКА TA'LIMI SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 160-163.
23. Махмудова, Д. М., & Мирхалилова, Н. А. (2021). "PISA" XALQARO DASTURIDA МАТЕМАТИК САВОДХОНЛИК. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 1476-1480.
24. Akhmedov, B. A. (2022). Using of Information Teaching Technologies in the Teaching Physics in Higher Education. *NeuroQuantology*, 10(10), 524-536.